



Сафед калъасининг кулаши

584-хижрий йил Рамазон ойининг 15-санасида (1188 йил 7 ноябрь) кадимий Сафед (Цфат) калъаси – салибчиларнинг Куддус киролигидаги энг мухим таянчи кулади. Калъа-шахарни 86 йиллик боскиндан машхур мусулмон саркарда, салибчиларга карши кураш кахрамони Салохиддин Аюбий озод килган. У шахар химоячиларининг жасоратига юкори бахо бериб, уларни Тир шахрига кўйиб юборади.

Салибчилар даврида Сафед мухим стратегик рол ўйнаган: денгиз сатхидан 900 метр баландликдан Дамашкка йўл кўришиб турарди. 1140 йил салибчилар кўлга олинган эски калъа ўрнига яхши мустахкамланган янги калъа барпо этдилар. Тамплиерлар икки

деворли катта калъа курдилар, унинг баландлиги 28 метргача етди, ташки деворда 7 минораси бор эди.

XIII аср ўрталарида шартномага кўра, шаҳар йигирма йилдан ортик муддатга яна салибчиларга ўтади. Улар яна шаҳарни қайта қуришга қарор қиладилар. Икки юз нафар тамплиер назорати остида икки мингдан ортик мусулмон асирлар тиклаш ишларини амалга оширди. Асир мусулмонлар шаҳарни ва калъани кўлга киритса, Дамашк учун катта хизмат қилиши мумкинлигини тушуниб етадилар. Улар Дамашкка ўз режалари ҳақида хабар қиладилар, лекин маҳаллий ҳукуматга салибчилар билан яхши муносабатларни сақлаш муҳимроқ эди ва қелиб тушган хабар тамплиерларга етказилади. Исёнга тайёргарлик кўраётганлар қатл қилинади.

Нихоят, калъа 1266 йилда салибчилардан Миср султони Бейбарс томонидан узил-кесил тозаланди. Бу салибчилар мўғуллар билан иттифокчилик муносабатларига киришгандан кейин содир бўлди. Мусулмонлар калъани қайта қуришиб, уни шимолдаги Литани дарёсидан жанубдаги Самарин тоғлари этакларигача чўзилган Сефадия подшолигининг пойтахти қилиб олдилар. Сефадда мусулмон ҳукмдорларининг қароргоҳи ва кўшин гарнизони жойлашганди.

Вакт ўтиши билан калъа усмоний туркларга ўтади. 1492 йил Испания қироли ва қироличаси насронийликни қабул қилишдан бош тортган яҳудийларни мамлакатдан қувиб чиқариш ҳақида фармон имзолагач, уларнинг кўпчилиги Сефадга келади, чунки ўша пайт ҳукмронлик қилган турклар яҳудийларнинг бу шаҳарда яшашларига рухсат беради. Орадан беш йил ўтгач, сионистлар меҳмондўстлик учун «миннатдорчилик» олдилар: тарихий шаҳар-калъа босиб олинди ва мусулмон аҳоли бутунлай кириб ташланди.

Абу Муслим таржимаси